

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ИЧКИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Бойқобилова Ирода Жонтемир қизи “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчisi**

**Аннотация:** Инвестициявий фаолият аудитининг самарадорлиги кўп жиҳатдан текширувларни оқилона ташкил килишга боғлиқ бўлиб, у хўжалик субъектларидағи инвестициявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини ҳисобга олади.

**Аннотация:** Эффективность аудита инвестиционной деятельности во многом зависит от рациональной организации проверок, учитывающей специфику и особенности инвестиционных процессов в хозяйствующих субъектах.

**Abstract:** The effectiveness of the audit of investment activities largely depends on the rational organization of audits, taking into account the specifics and features of investment processes in business entities.

**Калит сўзлар:** Инвестиция, активлар, лойиҳа куратори, молиявий директор, фондлари.

**Ключевые слова:** инвестиции, активы, куратор проекта, финансовый директор, фонды.

**Key words:** investments, assets, project curator, financial director, funds.

Аудит ва ички назоратни ташкил қилиш масалаларини ўрганишга тизимли ёндашув, авваламбор, инвестициявий жараён хусусиятларини ажратиб кўрсатишни назарда тутади. Бу хусусиятлар ташқи аудит ва ички назорат тизимини ташкил қилиш ва самарадорлигига ё билвосита - муайян максадлар ва вазифалар кўйиш йўли билан, ёхуд билвосита - бухгалтерия ҳисоби, назорат муҳити назорат воситалари оркали таъсир кўрсатади.

Тадқикотнинг кўрсатишича, инвестициявий жараённинг аудитини ташкил килиш, шунингдек ички назорат тизимини шакиллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган асосий хусусиятлари куйидагилардир:

- инвестициявий фаолият субъектларининг турли-туманлиги;
- инвестиция объектларининг кенг доирада эканлиги;
- инвестициявий лойиҳалар давомийлиги;
- инвестициявий жараён субъектларининг ўзи томонидан активларнинг сақланишини назорат кила олмаслиги;
- текширувларнинг бир нечта субъектлар томонидан амал га оширилиши;
- инвестицион лойиҳа буйича ишларнинг ҳам ўз кучи билан, ҳам ташки

ташкилотларни жалб килган ҳолда бажарилиши.

Инвестициявий жараёнда инвестициявий фаолиятининг анча-кўп сонли субъектлари иштирок этади, улар эса ўз олдига турли мақсад ва вазифаларни кўядилар, шу сабабли бир томондаи, улар истеъмол қиласидиган оралиқ ва натижавий ахборотнинг бир-биридан фарқ қилиши, иккинчи томондан, аудиторнинг ушбу ахборотнинг ишончлилигини таъминлашга қаратилган гурли тартиблардан фойдаланиши ҳам шу билан белгиланади.

Инвестициявий лойихаларга тааллукли ахборот иетеъмолчиларининг камида қуйидаги гурухларини ажратиш мумкин:

- ахборотнинг ички фойдаланувчилари. Уларга, биринчи навбатда, инвесткциялаш обьектидан фойдаланувчилар киради. Уларни маъмурий ваколатларга эга бўлган ички истеъмолчиларга (тижорат ташкилоти директори, лойиҳа куратори, молиявий директор ва х.к.) ҳамда инвестициявий лойиҳалар буйича ахборотдан у ёки бу тарзда фойдаланувчи ташкилотнинг бошқа ходимларига (иктисодчилар, молиячилар, бухгалтерлар ва.к.) ажратиш мумкин;

- ахборотнинг ташқи фойдаланувчилари. Уларга инвестициявий фаолиятнинг у ёки бу лойиҳага маблағ киритиш ёки киритмаслик ҳакида қарор қабул қилувчи субъектлари киради;

- ахборотнинг лойиҳадан ташқари фойдаланувчилари: банк, суғурта, ташкилотлари, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар;

- ахборотнинг давлат тузилмаларига тегишли бўлган фойдаланувчилари: солиқ инспекциялари, суд органлари, давлат молиявий назорат органлари, муниципал ташкилотлар маъмуриятлари ва бошқалар.

Инвестициявий жараёнга тегишли ахборотдан фойдаланувучидар гурухларини ажратиш уни аудит ва ички назорат мақсадлари учун бўғинларга бўлиш ҳамда унинг маҳфийлигини таъминлаш имконини беради. Ахборот қуйидаги белгилар буйича бўғинларга бўлиниши мумкин:

- у ёки бу истеъмолчилар гурухларига тақдим этиш ҳажмларига қараб;

- назорал субъектлари бўйича. Бундай бўгинлаш жараёнида бевосита ташки аудитор ва ички назорат томонидан текшириладиган ахборот ажрадиб чикади. Фикримизча, ички фойдапанувчилар гуру хита тааллукли ахборотнинг шиончлилигини назорат қилишни ички начорат кучлари билан таъминлаши мумкин, давлат хокимияти органлари эса гашқи мустақил назоратдан ўтган ахборот билан ишлашлари керак;

- кўлланиладиган аудиторлик процедуралари бўйича. Ахборот турлича бўлгани боис турли аудиторлик процедуралари (тартиботлари)дан шунингдек, турли ахборот бўгинлари аудитини ташкил қилиш учун ички

назорат процесураларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай килиб, инвестициявий жараёнлар аудитини ташкил қилишнинг тизимли хал килувчи омилларидан бири шундан иборатки, ахборотдан фойдаланувчилар гурухларининг манфаатлари йўлида назорат тадбирлари ўтказилади.

Инвестициявий фаолият аудитининг муҳим хусусиятларидан бири инвестициялар объектларининг турли-туманлиги бўлиб, бу аудит объектларининг куп вариантилигини белгилаб беради. Айтиб ўтилганидек, инвестицияларининг асосий объектлари: янги ташкил этиладиган объектлар ёки қайта таъмирланадиган амалдаги корхоналар; амалдаги корхонанинг кенгайтирилиши (яъни фаолият юритиб турган корхонанинг иккинчи ва кейинги навбатларининг қурилиши); мавжуд цехларнинг кенгайтирилиши; корхоналарни техник қайта куроллантириш.

Корхоналарнинг модернизация қилинаётган асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлар; қимматли қоғозлар, мақсадли пулли жамгармалар; янги илмий-техник маҳсулот; амалдаги ишлаб чиқариш доирасидаги мавжуд майдонларда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, интеллектуал қимматликлар; мулкий хуқуқлар; реал шахсий молмулк; фирманинг ҳақиқий активларига мулкий киритмалар ҳам инвестициялар обьекти бўлиши мумкин. Шуни хисобга олиб айтиш мумкинки, иқтисодий адабиётларда аудитнинг ташкилий босқичларга ажратилиши инвестициявий фаолият обьектларининг хусусиятларини хисобга олиш нуқтаи назаридан аниклаштирилиши керак.

Чунончи, шундай вазият ҳам юзага келмоқдаки, йирик кўламли инвестициялар аудитини ўтказишда тижорат ташкилоти молиявий-хужалик фаолиятининг деярли барча томонлари назорат остига олинади. Бирок инвестициявий аудитнинг мақсадини белгилашда умуман ташкилот молиявий ҳисботининг эмас, балки инвестициявий лойиҳалар бўйича ахборотнинг тўгри ва сифатлилигини аниклаш; салоҳиятли вав яширин резервларни топиш; режалаштирилган қўрсаткичларга эришиш кабиларга кўпроқ урғу берилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларини ўрганиш шуни қўрсатдики, уларга ташқи аудит кучи билан эришиб бўлади, бироқ бу хаддан ташқари юқори меҳнат харажатларини тақозо этади. Айнан шунинг учун инвестициявий аудитнинг мақсад ва вазифаларини тизимлаштириш ва уларни ички назорат томонидан бажариладиган вазифаларга ҳамда ташқи аудиторлар бажарадиган вазифаларга ажратиш максадга мувофик. Бундан ташқари, шуни хам хисобга олиш керакки, хаттоқи бир хил назорат процесуралари билан бажариладиган турли вазифалар ушбу процедуранинг хажми ва уни кўллашга таъсир килади.

Масалан. 1000 "Материаллар" счети бўйича колдикни тасдиқлаш бўйича процедураларнинг бир қисми сифатида инвентарлашни танлов бўйича олиб бориш мумкин, моддий жавобгарликка эга бўлган масъул шахсада мол-мulkнинг мавжудлигини тақдикаш учун олиб бориладиган инвентарлашда эса узлуксиз усулдан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. <https://president.uz/uz/lists>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 32-модда. ЎРҚ-677, 25.02.2021. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Farrokh Barzideh, Soroush Lotfi, Mehdi Mousapour, Mojtaba Aghaei. Accounting for investment: challenges & criticisms. [www.sciencejournal.in](http://www.sciencejournal.in). Volume-3 (Special Issue 3) 2014.
4. ZHIYUN OUYANG, HUA ZHENG, YI XIAO. Improvements in ecosystem services from investments in natural capital. [www.sciencejournal.in](http://www.sciencejournal.in). Volume-352 (Special Issue 6292) 2016.
5. Левина М.В. Организация и методика экономического анализа финансовых вложений тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, кандидат экономических наук. – Воронеж, 2011.